



# АДОЛАТ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

БУГУН ГАЗЕТАМИЗНИНГ 600 СОНИ НАШРДАН ЧИКДИ!

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 15 йиллигига

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

## Сарҳадларимизни кўриқлаш — муқаллас бурч

Халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини сақлашда замонавий қурол-аслаҳа, алоқа воситалари ва бошқа ҳарбий техникалар билан тўла таъминланган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, диний экстремизм, нарқобизнес, террорчи ғуруҳлар ва айрим кўпорувчи унсурларнинг сарҳадларимизни бузиб ўтишига йўл қўймаслик чегарачиларимизнинг бош вазифаси ҳисобланади. Улар ана шу масъулиятли ваифаларни Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ходимлари билан ҳамкорликда муваффақиятли адо этмоқда.



Қамолов Т.В. ЕВ. оғзақ

Ўзбекистон посбонлари

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда жаҳонда, Марказий Осиё минтақасида юзага келаятган ҳарбий-сиёсий вазият давлат чегараларини кўриқлашда янги талабларни олдинга қўймоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Қуролли Кучларимиз, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳам пировард мақсади — аввало, ана шу талабларга жавоб бериш, ихчам, замонавий билимларни эгаллаган, Ватан ҳимоясига доимо жисмонан ва

руҳан шай турадиган ҳарбийларни тарбиялашдан иборатдир. Бугунги кунда мазкур қўшин шахсий таркиби сафида юксак интеллектуал салоҳиятли, бакуват ва ҳўшёр ўғлонлар хизмат қилмоқда. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда улар учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Утган йил эл-юрт тинчлиги посбонларига қўлайлик яратиш мақсадида янги чегара мажмуалари фойдаланишга топширилди. Уларда чегарачиларнинг спорт билан шугулланиши ва мазмунли дам олиши учун барча шароитлар мавжуд.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Чегара қўшинлари фахрийлари уюшмаси ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда яқиндан ердан бермоқда. Қўшин раҳбарияти, командир ва бошлиқлар томонидан ҳарбийларнинг касб маҳорати ва интеллектуал салоҳиятини оширишга жиддий эътибор қаратишмоқда. Доимий равишда жанговар-тактик машгулотлар олиб борилади. Ҳарбийлар ўртасида хо-

рижий давлатларда ўтказилган спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришилди. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш ва шахсий таркибнинг дунёқараши шакллантиришдан ташқари ҳарбий хизматчиларнинг спорт билан шугулланиши ҳамда мусобақалар ўтказишга ҳам жиддий эътибор қаратишмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, спорт чегарачи-жангчиларни ҳар томонлама тоблайди, чиниктиради. Давоми 3 - бетда

## Қорхонанинг хайрли ишлари

Сирдарё вилоятидаги «Ховосдонмахсулотлари» ҳиссадорлик жамияти Ижтимоий ҳимоя йилининг дастлабки кунларида Ховос туманидаги эликка яқин кам таъминланган оилага ҳомилийк ердми кўрсатди.

Қорхона Президентимизнинг «Ириқ санаот корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришнинг рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Қорхона ҳузурида қасаначилар билан ишлайдиган цехлар очилган бўлиб, бу ерда макарон махсулотлари,

турли печеньелар тайёрланмоқда. Тўртта цех эса тикувчиликка ихтисослаштирилди. — Бу хайрли ишларимизнинг бошланиши, — дейди қорхона раҳбари Х.Низомов. — Янги йилда қасаначиликни янада ривожлантиришга, ёшларни иш билан таъминлашга янада жиддий эътибор қаратамиз.

Утган йилни қарий ўн миллион сўмга яқин соф фойда билан якунлаган қорхонада бир кунда 40 тоннадан зиёд

биринчи ва иккинчи навли ун тайёрланмоқда.

Президентимизнинг деҳқон ва фермер хўжалиқларида, хонадонларда қорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қароридан қорва озқаси таъминотини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жамиятда бу борада ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Утган йил омухта ем тайёрлаш режаси 110 фоизга бажарилгани ҳам шундан далолат беради.

Айни пайтда жамиятга қарашли иккита ем сотиш шохчаси мунтазам ишлаб турибди. Яқин кунларда яна иккита шохоча ишга туширилади.

Ў.А.

## Моддий ва маънавий кўмак

Қамаши туманидаги пахта тазалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари билан суҳбатлашган кишининг дили яйрайди. Уларнинг меҳнатдаги фаолликларига сабаб бўлаётган омиларни эшитиб тўлқинланади. Жамият ишчи-хизматчилари мавжуд муаммоларни ҳал этишга ишлаб чиқаришда узилишларга йўл қўймасликка астойдил бел боғлашган.

— Янги йилни яхши натижалар билан кутиб олдик, — дейди жамият раиси Холиқул Файзуллоев. — Ҳозиргача 19 минг тонна пахта қайта ишлаб 7 минг тоннадан зиёд сифатли тола олишга эришилди. Айни пайтда махсулот Германия, Англия, Россия ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилинапти. Шундан ташқари, маҳалларда яшаётган яққа-ёлғиз қариқлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб турибмиз. Дарвоқе, жамият аъзолари тумандаги F.Ғулом номидаги мактаб ва «Пахтаой» болалар боғчасига ҳам доимий равишда ҳомилийк ердми қўрсатиш учун аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Шунга асосан, маҳаллардаги боқувчисини йўқотган оилалар, яққа-ёлғиз қариқлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга жамият ҳисобидан озик-овқат махсулотлари, қорва моллари учун озқаси бепул тарқатилиши режалаштирилган.

Келишган ҳолда туманимиздаги Меҳрибонлик уйини ҳомилийгимизга олдик. Янги йилда уларга совга-саломлар улашилди. Бундан ташқари, маҳалларда яшаётган яққа-ёлғиз қариқлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб турибмиз.

Дарвоқе, жамият аъзолари тумандаги F.Ғулом номидаги мактаб ва «Пахтаой» болалар боғчасига ҳам доимий равишда ҳомилийк ердми қўрсатиш учун аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Шунга асосан, маҳаллардаги боқувчисини йўқотган оилалар, яққа-ёлғиз қариқлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга жамият ҳисобидан озик-овқат махсулотлари, қорва моллари учун озқаси бепул тарқатилиши режалаштирилган.

Қомил САХАТОВ,  
«Адолат» мухбири

## Покистон сенаторлари Ўзбекистонда

Мамлакатимизга ташир буюрган Покистон Ислам Республикаси Сенатининг халқаро ишлар бўйича қўмитаси раиси Мушоҳид Хусайн Саййид раҳбарлигидаги делегация 11 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари Ф.Муҳиддинова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Покистон олий қонун чиқарувчи органларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Томонлар икки мамлакат парламенти ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмушувини фойдалантириш зарурлигини қайд этдилар.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида имзоланган ҳужжатлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва Покистон олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболги юзасидан фикр алмашилди.

Покистонлик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.Норов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Б.Худойбердиев билан учрашди. Делегация аъзолари Темирйорлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя килувчи экспонатлар билан танишди. Меҳмонлар мамлакатимизда халқимизнинг қадимий ва бой тарихини чуқур ўрганиш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва сақлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг қўламини беҳад кенг эканини алоҳида таъкидладилар.

— Ўзбекистон тарихига, буюк аждодларга қўрсатилаётган юксак эҳтиром Президент Ислам Каримовнинг мамлакат равнақи йўлида олиб бораётган фаолияти нечоғли кенг қўламини эканининг яна бир тасдиғидир, — деди Покистон Ислам Республикаси Сенатининг халқаро ишлар бўйича қўмитаси раиси Мушоҳид Хусайн Саййид. Бунга биз Темирйорлар тарихи давлат музейида бўлганимизда аққол ишонч ҳосил қилдик. Меҳмонлар ташир давомида Самарқанд ва Бўҳоро шаҳарларини ҳам зиёрат қилдилар.

Орифжон ТУРОПОВ,  
Ў.А. мухбири

## Сериялардаги синостлар

Хориж серияларига қизиқиш ортиб бораётганининг боиси нимада?

Бу ҳақда кўп ёзилган. «Бир-бирига уланиб кетган узундан-узқ сюжетни уздуксиз қузатиш — бекорчилик иши. Ҳар хил кинолар ёшлар онгига салбий таъсир қилади. Миллий ўзлигимиз, тарихимизни акс эттирувчи серияларни ишлаш вақти келди!» сингари фикрлар охири-оқибат бу мавзунинг ҳулосасига айланади. Қизиқи, бу каби баҳс-мунозаралар ҳозир ҳам давом этмоқда. Ёшлигимизда кўп эртақлар эшитардик, ўқидик. Яхшиликка йўғрилган воқеалар, қаҳрамонларнинг мурод-мақсадларига етишиши болажонларнинг мард ва жасур, фидойи бўлиб воғза етишишига улкан аҳамият касб этади. «Эртақлар — яхшиликка етаклар», деган нақлнинг моҳияти ҳам шунда. Аммо бугунги ёшлар эътиборини эртақлар эмас, сериялар эгаллаётгандай. Сериялар эса томошабинларни эзуликка қораяпти, дейиш қийин.



Юртимизда телесериаллар «ташвиши» бошланганига анча йиллар бўлди. Тўғрироғи, эсимни танибманки, зангори экрандан давомли кинолар тушгани йўқ. Авваллари омма эътиборини сериялар мамлакатаи бўлмиш Лотин Америка кинолари тортган бўлса, эндиликда улар ўрнини Жанубий Корея, Туркия фильмлари эгалламоқда. Бу бир хижатдан

қоникарли ҳолат. Чунки Мексика, Бразилиянинг беҳаё фильмларидан кўра, ахлоқроғи, эсимни танибманки, зангори экрандан давомли кинолар тушгани йўқ. Авваллари омма эътиборини сериялар мамлакатаи бўлмиш Лотин Америка кинолари тортган бўлса, эндиликда улар ўрнини Жанубий Корея, Туркия фильмлари эгалламоқда. Бу бир хижатдан

га узатилаётган чет эл серияллари, асосан, Осиё махсулотлари эканлигини инобатга олсак, бу давлатлардаги айрим урф-одатлар миллий аънаъларимизга мос келиши ҳам эътиборга молик.

Маълумотларга кўра, Жанубий Корея бугунги кунга келиб сериялар ишлаб чиқиш бўйича дунёда етакчи мамлакатга айланган. Бу мамлакатда ушбу соҳа шу даража тараққий этганки, ҳатто алоҳида шаҳарлар сериялар ишлаб чиқиш билан шугулланаркан. Тасаввур қилинг, икки ёки учта кино-студия, компания эмас, балки бутун бошли бир шаҳар кино махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашса! Хўш, унда бизлар қандай йўл тутишимиз даркор?

Давоми 4 - бетда

## Минтақавий семинар бошланди

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлик Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қўшлоқ ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ердмичилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокидаги минтақавий семинарлар бошланди.

Семинарнинг биринчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳрини қамраган минтақавий семинар очилди. Унда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришлар қайд этилгани, жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилгани таъкидланди. Юртбошимизнинг ушбу маърузаси мазмун-моҳиятини, унда белгилаб берилган усту-

вор вазифаларни чуқур аниқлаш, бу борадаги масъулиятни ошириш давлат бошқарувининг турли бўғинларида хизмат қилаётган раҳбар ходимларнинг фаолиятида дастуриламал бўлмоқда. Зеро, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттиришда, жамиятни демократлаштириш ва янгилашда, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишда, фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлашда раҳбар кадрлар зиммасига катта масъулият юклангандир. Бу эса барча бўғиндаги раҳбардан юксак билим ва салоҳият, жаҳонда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа

ва ўзгаришларни теран аниқлаш, мураккаб вазиятларда аниқ қарорлар қабул қилиш, одамларни ўз ортдан эргаштира билиш билан боғлиқ кўплаб фазилатларга эга бўлишни талаб этади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилаётган мазкур минтақавий семинарда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳияти, қўлга киритилган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар атрофида муҳокама этилаётган. Семинарнинг биринчи кунини «Ўзбекистон демократияни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида», Ўзбекистон Республикаси Президенти «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги қарорларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда видлоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг асосий вазифаларига оид масалалар ҳусусида сўз юритилди. Давлатимиз ташқи сиёсати, хорижий инвестицияларни жалб этиш, янгица иқтисодий ташаббусларни жорий этиш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, фермерларнинг қўшлоқ ҳўжалиги махсулотларини етиштиришини молиялаштириш ва кредитлаш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳақида олим ва мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Сайёра ШОЕВА,  
Ў.А. мухбири

## Диққат, танлов!

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши «Адолат» социал-демократик партиясининг янги нишони (эмблемаси)ни яратиш бўйича танлов эълон қилади. Танлов натижалари ҳақамлар ҳайати томонидан кўриб чиқилиб, 2007 йил 25 январь кунини эълон қилинади.

Танлов шартлари: \* ишланаётган нишон (эмблема) рамзий қўрилишда, содда ва лўнда шаклда бўлиши; \* нишонда жаҳон социал-демократиясининг аънаъвий рамзи — қизил атиргул ифода этилиши; \* социал-демократиянинг урта бош қадрияти — Адолат, Эркинлик, Бирдамлик рамзий ифодасини топиши лўзим.

Танловга тақдим этилаётган нишон (эмблема) ишланмалари рангли, 20x20 см ҳажмда JPEG ёки TIFF форматда 2007 йил 25 январь кунинга қадар mafkura@adolat.ru ва adolat-mafkura@mail.ru адресли электрон почталарга бириктирилган файл сифатида жўнатилиши, унда муаллиф ҳақида батафсил боғланиш ахбороти (исми шаифи, телефони ва e-mail) бўлиши шарт.

Танлов голиби мукофотланади. Ижодий салоҳиятга эга барча партиядошлар, партиямиз хайрихоҳлари, марҳамат, танловда иштирок этинг! Танлов ҳайъати






Муҳокама учун мавзу

Серияллардаги синоотлар

Хориж сериялларига қизиқиш ортиб бораётганининг боиси нимада?

Давоми. Боши 1 - бетдо
Бугун Ўзбекистон аҳолисининг 70 фоизи ахборот эҳтиёжини телевидение орқали ташминлайди.

нафақат ўсмирлар, балки ҳар қандай ёшдаги инсоннинг онги ҳам доимий тарзда шаклланиб боради.



Одатда, телесериаллар рейтингини ўртача 47 фоизни ташкил қилади. «Сарой жаҳожири» сериали Жанубий Кореяда намойиш этилганда рейтингини 57,8 фоизгача кўтарилди.

ларга илиқлик бағишлайди. Унинг тиниқ юз-қўзларида акс этган эзгулик, адолатсизликдан озор чекиш шундоқ кўри-ниб туради.


Туркиянинг «Муҳаббат дардлари» фильмида анъана, эътиқод, ҳамиятда эркак ва аёл муносабати ҳамда муаммолари, турли ижтимоий табақаларнинг ўрни ишонарли тарзда ёритиб берилган.

Тахририятдан: Азиз газетхон, мана, бугунги куннинг долзарб мавзусидан бири — телесериаллар, уларнинг кишилар, айниқса ёшларга таъсири, аҳамияти тўғрисидаги мулоҳазалар билан танишингиз.

Кўҳна шаҳарлар гавҳари

Хива — қадимий маданият ўчоқларидан бири. Шаҳарда асрлар давомида барпо этилган унлаб, юзлаб меъморий обидалар ажодларимиздан бизга мерос бўлиб сақланиб келмоқда.

ди ўгли ва Бота Воисовлар ҳисобланади.



Миноралар қатор вази-фаларни бажариш баробарида шаҳарга чирой ва салобат бериш, минорани қурдирган шахсининг куч-қудратини кўрсатиш учун ҳам бунёд этилган.

«Хиванин» гузал қўрилиши ва безаклари билан ҳаммаша дўстларимиз, яхши ниятли хорижлик меҳмонлар, сайёҳлар назарида. «Дунё тарихий шаҳарлари орасида Хива бир гавҳардир. Бу ерда ёдгорликларнинг қўлиги ва ўз ҳолича сақланиб қолгани, уларни жуда эҳтиёткорлик билан келажак авлодларга сақлашда давлатнинг хизматлари буюқдир».

Хива миноралари ичида энг қадимийси Жума масжиди ми-нораси бўлиб, у Х асрларда қурилган ва 1788 йили қайта таъмирланган.

Китоб жавобингизга

«Кўзларингни соғинаман»

Бугунги кунда навқирон авлод шеърларида ўз овози, услуби ва муҳлисари-га эга бўлган шоирлар талайгина.



Шоир «Гул санам», «Ҳеч кимга ўхшамасан» деб номланган илк шеърий тўпламларидаги самимий туйғулари содда, таъсирчан ифодалаган турли мавзудаги машқлари билан эътиборга тушган эди.

Кўзларимдан кўз ёш эмас, дилим томса, Жон-эй, қузим, дилим сенга гулим томса, Дунё-дунё кўнгиллارга тиллим томса, Айланайин ёрим, гулим, жоним Ватан.

Бир коллежнинг салоҳияти

Каттақўрғонда бугунги кунда турли йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган бешта касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Таълими маркази ва вилоят бошқармасидан замонавий ўқув жиҳозлари олиниб, жиҳозланиш даражаси 90 фоизга етказилди.

Ҳар йили Самарқанд ва Жиззах вилоятлари тиббиёт коллежлари директорларининг минтақавий йиғилиши ўтаётгани ҳам коллежизмининг нуфузи, илмий салоҳияти юксалигидан далолат беради.

Спорт Саралаш бахслари

Мельбурн шаҳрида теннис бўйича Австралия очик чемпионати саралаш ўйинлари бошланди.

Спорт Тил қафасга ётган арслон

Буюк алома Юсуф Хос Хажиб ўз замонасининг донишманди, турли ишлардан баҳс юритишга қодир олим ва фозил киши, илгор фикрли филолог бўлган.

Заковатлилар уқадилар ва билимлилар биладилар, билимли ва заковатлилар тил-ка-рига етадилар.

Тафаккур бўстони

бу сўзга амал қилиб, ўзинга манфаат ол: «Тилим мени жуда кўп қўлфатларга солади, тилим менинг бошимни кесмасидан бурунроқ мен тилимни кесайин».

Нострадамус ва келажак

Қадим-қадимдан инсоният келажак ҳақида билишга инти-тилган, ҳатто бир неча юз йилликларни башорат қила бошлаган. Унлаб соҳибқаромат кишилар пайдо бўлган.

XXI асрда янги матриархат бошланади. Бутун дунёда бўлгани сингари Россияда ҳам, Шарқда ҳам бир қанча Буюк Аёллар пайдо бўлади».

ADOLAT IJTIMOIY-SIYESII GAZETA MUASSIS: O'ZBEKISTON «ADOLAT» SDP SIYESII KENGAШИ Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган www.adolat.uz • E-mail: adolat\_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ Тахрир хайъати Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ

Газета тахририят компьютер марказида сақланилган «Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят рўхсати билан амалга оширилади. «Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89. Магистр: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набхатчи — Б. ТОШНАЗАРОВ, Саҳифаловчи — Л. ТУРСУНОВ

Нашр индекси — 100 Бюлртва Г — 01 Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган Қозғоз бичими А-2. Адади — 2425 Босишга топшириш вақти — 20.00 Босишга топширилди — 23.00